



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI
VAZIRLIGI

2022 йил якуни бўйича қишлоқ хўжалигининг асосий **иқтисодий** **кўрсаткичлари** таҳлили



2023 йил


ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ТАРКИБИДА ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИКЛАРИНИГ УЛУШИ

2022 йил якуни бўйича мамлакатимизда **888 трлн. сўм**лик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш **105,7 фоиз**ни ташкил этди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми **80,4 млрд. АҚШ** доллари эквивалентига тенг бўлиб, 2018 йилга нисбатан **1,5 баробар**га ошди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотлари ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми **208 трлн. сўм**ни ёки **19 млрд. доллар**ни ташкил этиб, охириги беш йилда **1,7 баробар** ошган.

Ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса **25,1 фоиз** даражада (2018 йилда улуш **29,7%**) бўлди.

Ялпи ички маҳсулот қиймати ва ўсиш суръати



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати, ўсиш суръати, ЯИМдаги улуши



ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМЛАРИ ДИНАМИКАСИ

2022 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми **364,5 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,6 фоизга** ўсиш таъминланди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг АҚШ долларидаги эквиваленти **33 млрд. долларни** ташкил этиб, маҳсулот ҳажми сўнги беш йилда **1,4 баробарга** ўсган.

Шундан, Қишлоқ хўжалигида **347,6 трлн. сўмлик (31,5 млрд.долл)** ёки ўсиш **3,6 фоизга** кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **аҳоли жон бошига 10,2 млн сўмни (925 долл)**, ташкил этиб, 2018 йилга **(+5,9 млн сўм; 734 доллар)** нисбатан **1,6 баробарга** ошди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли жон бошига ўсиши



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ТОИФАСИ БЎЙИЧА ТАҚСИМОТИ

Хўжалик тоифалари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмларининг энг катта улуши **62,2 фоизи** деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликларига (ўсиш-**102,4%**), **31,4 фоизи** фермер хўжаликларига (**103,5%**) ва **6,4 фоизи** бошқа ташкилотларга (**118,5%**) тўғри келди.




ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ВА УЛУШИНING ЎЗГАРИШИ

2022 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми **деҳқончиликда 179,9 трлн** сўмни (ўсиш **103,8%**; **16,3 млрд.долл**)га ва **чорвачиликда 167,7 трлн.** сўмни (**103,4%**; **15,2 млрд.долл**) ташкил этди.

Охирги беш йилда **деҳқончилик** маҳсулотлари ҳажми **1,6 баробарга** ҳамда **чорвачилик** маҳсулотлари ҳажми эса **1,8 баробарга** ошди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида **деҳқончилик** маҳсулотлари ҳажмининг ўлуши **51,7 фоизни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **1,6 фоизга** ўсган. **Чорвачилик** маҳсулотлари ҳажмининг ўлуши **48,3 фоизни** ташкил этади.


Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми ва улушлари



ХУДУДЛАР КЕСИМИДА ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ҲАЖМИ

2022 йилда ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларнинг энг юқори ҳажми **Самарқанд** (**43 933 млрд. сўм**), **Андижон** (**37 404 млрд. сўм**) ва **Тошкент** (**35 184 млрд. сўм**) вилоятларида қайд этилди. Энг кам ҳажми **Сирдарё** (**12 3442 млрд. сўм**), **Қорақолпоғистон Республикаси** (**14 359 млрд. сўм**), **Навоий** (**16 070,5 млрд. сўм**) вилоятларига тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми, млрд. сўм



ДЕХҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

2022 йилда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари



САБЗАВОТ

11 163 102,9%
МИНГ ТН



КАРТОШКА

3 442 104,7%
МИНГ ТН



ДОН

7 995 104,7%
МИНГ ТН



МЕВА

2 984 104,6%
МИНГ ТН



УЗУМ

1 761 103,9%
МИНГ ТН



ПАХТА

3 501 103,8%
МИНГ ТН



ПОЛИЗ

2 421 105,9%
МИНГ ТН

ЧОРВАЧИЛИК ВА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ

2022 йилда чорвачилик ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари



ГЎШТ

2 726
МИНГ ТН **103,4%**



СУТ

11 629
МИНГ ТН **103,2%**



ТУХУМ

8 129
МЛН ДОНА **104,4%**



ҚОРАҚЎЛ ТЕРИ

1 302
МИНГ ДОНА **104,0%**



ЖУН

37,3
МИНГ ТН **102,5%**



БАЛИҚ

177
МИНГ ТН **103,2%**



ПИЛЛА

24,3
МИНГ ТН **106,7%**

Статистика агентлигининг 2022 йил якуни билан эълон қилган дастлабки маълумотлари асосида тайёрланди


ҚИШЛОҚ ХЎЖЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

2022 йилда қишлоқ хўжалиги ва озиқ овқат саноати тармоқларида жами **2 266 та** инвестиция лойиҳалар амалга оширилди.

Ушбу мақсадлар учун жами **8,8 трлн.** сўм маблағлар (шундан, **1,9 трлн.** сўм кредит маблағлари, **5,2 млрд.** сўм ўз маблағлари, **107,3 млн.** доллар хорижий кредит линиялари, **50,7 млн.** доллар хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан) сарфланди.

Бунда, мева-сабзавотчилик йўналишида – **2,7 трлн.** сўмлик **789 та**, озиқ-овқат саноати йўналишида – **1,9 трлн.** сўмлик **308 та**, чорвачилик йўналишида – **3,3 трлн.** сўмлик **990 та** ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишида – **968 млрд.** сўмлик **179 та** лойиҳалар амалга оширилди. Лойиҳаларни ишга тушириши натижасида жами **33 236 та** янги иш ўринлари яратилди.


2022 йилда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари



СОҲАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН АЖРАТИЛГАН СУБСИДИЯЛАР

2022 йилда аграр соҳани ривожлантириш мақсадида жами **1 384,3 млрд. сўм** (**2021 йилга** нисбатан **88 млрд. сўм кўп**) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **субсидиялар ажратилди**.

Аграр соҳага давлат бюджети ҳисобидан ажратилган субсидиялар, млрд. сўм



2022 йил АЖРАТИЛГАН СУБСИДИЯ ЙўНАЛИШЛАРИ	ҚИЙМАТИ МЛРД. СЎМ
ЖАМИ АЖРАТИЛГАН	1384,3
Пахтада томчилатиб суғориш	71,3
Бошқа экинларга сув тежовчи технологияси учун	5,2
Боғ ва токзорларда сув тежовчи технология учун	105,7
Саноатбоп узумчиликда томчилатиб ва артезиан қудуқ учун	14,3
Чорвачилик(балиқ, парранда) соҳасини қўллаб-қувватлашга	477,8
Аҳоли томорқасида қудуқларни бурғулашга	95,6
Тутзорларда қудуқ, томчилатиб суғориш тизими учун	4,9
Аҳоли хонадонларида етиштирилган ҳўл пилла учун	120,2
Қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишни рағбатлантириш	66,6
Фермер хўжаликлари сув насослари эл.энергияси учун	244
Ерларни қайта фойдаланишга киритишга	92,6
Бошқалар	86,1